O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 10 MAY ◆ PAYSHANBA ◆ № 53 (26.755)

9 МАЙ...

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентнинг қоқ маркази — гупиллаб уриб турган юраги Мустақиллик майдони атрофидан ўтаётиб, разм солган замондошларимизнинг хаёлидан бир ўй кечади: кўникиб қолдик, тушунчамизга сингиб бораяпти — дунёвий аҳамиятга молик, юртимиз қисматига, миллатимиз келажагига дахлдор улкан байрамлар, умуммиллий характерга эга айёмларнинг бари-барида юртдошларимиз ўз-ўзидан ана шу жойга дарё каби оқиб келаверади...

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ — ЭЗГУЛИКНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

РЕПОРТАЖ

Азиз ва мўътабар мустақиллик байрамимизни оласизми, Наврўз айёмини дейсизми, ҳайитларимиз, қўйингки, барча шодиёналарда кишилар ана шу масканга ғурур, салобат билан, фахру ифтихор билан сайилга чиқадилар. Сайиллар Амир Темур хиёбони, Навоий боғи, Хадраю Ўрда томонларга менинг назаримда ана шу ердан тарқалади. Шу билан бирга мазкур қутлуғ майдон атрофидаги улкан иморатларда истиқлол ва истиқболимиз мезонларини белгиловчи улкан ишлар ҳал этилади.

Майдон атрофидан шовуллаб оққан анҳор, ўнг тарафидаги энг катта кўчаларимиздан бири Навоий номи билан аталгувчи кўчага кесишган Ш. Рашидов номли ва қунчиқарга қараб йўналган Ўзбекистон кўчаларида рамзий бир уйғунлик борга ўхшаб туюлади менга. Ҳаммасидан ҳам эзгу амаллар йўлини тутиб, тинчлик яловини азот кўтарган Ўзбекистоннинг бош майдони марказида ер шарининг рамзий тасвири — глобус тургани ва ушбу глобусда Ўзбекистон харитасининг яққол намоён бўлиб кўзга ташланишидан Ўзбекистон жаҳонда ўз ўрни ва салоҳиятига эга давлат деган маъноларни уқиб, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Бугун ҳам эрта тонгдан бу ерга юртимизнинг узоқ-яқинидан одамлар оқими кела бошлади. Бу галги сайилда ҳамманинг чеҳрасида сокинлик, руҳиятида бир вазминлик сезилди. Майдонда қад ростлаган «Мотамсаро она» ҳайкали ва унга рўпара ҳолатда тикланган нақшинкор устунлар безак берган узун пешайвон деворида ўрнатилган темир лавҳаларга битилган исм-шарифлар, қутлуғ номлар дафтари... барчамизни вазмин бир мусиқа остида диққатимизни тортади. Англаймизки, урушнинг қабоҳатли қиёфаси, азоб-уқубатлари, энг ёмони, инсонлар умрига зомин бўлиб қанчалар хонадонларни вайрон этиши ҳақида бу мунгли куйлар ва бу ердаги кайфият аниқ ва тиниқ чизги бўла олади. Бу ерга замондошларимиз жанггоҳларда ўққа учган аждодларимиз, ўзбекистонликлар хотирасини ёд этгани келишмоқда.

Йўқ, жангда ўлган аскар «номаълум солдат» эмас, балки бизнинг қалбимизда яшайдиган, хотираси бир умр ёдимизда сақланадиган қаҳрамонлар эканлигини ҳис қиламиз. Биз бу ерда, шўронинг эски мафкураси измига тушиб, майдондан танку замбараклар, турли хил ҳарбий техникалар, қурол-яроғларни олиб ўтиб, ғалабага бир томонлама назар ташламаймиз. Аксинча, инсонни ёд этиб, урушда бевақт қурбон бўлган ватандошларимизни эслаб, урушнинг нақадар фожиали эканлигини тушуниб етамиз. Ҳазил гапмас, халқнинг урф-одатидан, қадим илдизига туташ анъаналаридан, миллатнинг менталитетидан келиб чиқиб уруш деган бир тавқи лаънатга умумбашарий миқёсда баҳо бериш... Дунёдаги барча катта китоблар, асл моҳиятини очиб бергувчи уруш ҳақидаги кинолар замирида биз англаб етган мана шу ҳақиқат бор.

Халқнинг келажаги, умидлари хусусида фикрлаётганлар билан бирма-бир моқ бўлсак, унинг ўз аждодларига нисбатан ҳурматини, эътиқодини ўрнига қўйишимиз керак. Бу урушда, яъни иккинчи жаҳон урушида ўз фарзандларидан айрилган она-Ўзбекистоннинг бағри ҳувиллаб қолган хонадонлари ичра кезган оғриқни босиш учун ҳам, кишиларда инсоний бир меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиб, эртанги кунга ёруғ нигоҳ ташлаш учун ҳам муҳтарам Президентимиз 1999 йилнинг 2 мартида 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида Фармон чиқардилар. Шундан хулоса қилиб айтамизки, урушнинг чинакам баҳосини бериш учун энг аввало инсон қадри юксакларга кўтарилиши керак. Урушда инсон ўққа учиши, ҳаётга тўймай кетиши, ортида қанчалаб ёру биродарлари дийдираб, дилдираб, музтар бўлиб қолишини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Бугун ана шундай, қалбида урушга нисбатан нафрат ва урушда ўлган яқинларига нисбатан чексиз ҳурмат ва эҳтиром жо бўлган халқимиз ўз яқинларини, ўз жигаргўшаларини зарварақларда битилган шарафли номлардан қидириб топмоқда ва истиқлол бу номларни абадиятга муҳрлаганини ҳис қилишмоқда.

Саранжом ва сариштa, озода, ҳамиша файзли майдонимизга, Хотира хиёбонига ташриф буюрган Президентимизни ҳукумат аъзолари, зиёлилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, депутатлар, ҳарбий вазирлик ва идоралар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар қарши олдилар. Давлатимиз раҳбари йиғилган парастлик оқимлари, хорижнинг ур-тўполонли, савиясиз фильмлари, енгил-елпи руҳдаги айрим хорижий адабиётлар гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора тарзда халқимиз тафаккурига таъсир қилиш учун курашаётгани чин. Бу курашда ким ғолиб бўлиши ниҳоятда аҳамиятлидир. Демак, барча ташвиқотларимиз мустақилликка қаратилган бўлиши керак. Шундай экан, ҳозир мафкуравий курашлар даври етилди.

Сўзни шоиримиз Абдулла Орипов давом эттиради:

— Мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларимиз кенг миқёсда, оламшумулдир. Бугунги Хотира ва Қадрлаш куни моҳиятини тушунтиришда ҳам биз ижодкорлар халққа камарбаста бўлишимиз керак.

Бу борада мактабларда қандай ишлар олиб борилаётганлиги, тарих дарсликларидаги манба ва маълумотлар ҳаётимиз талаблари даражасидами, йўқми, бу хусусда Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматова ўз фикрларини баён этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Холида Аҳророва эса Президентимиз томонидан эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармон айни муддао бўлганлигини таъкидлади. Шу билан бирга у ҳар иккала куннинг ўз моҳияти ва йўналиши мавжудлигини айтиб ўтди.

Президентимизнинг ёшларимиз маънавияти ва келажаги учун, қолаверса, ҳаётимизнинг устувор тараққиёт йўлида муҳим аҳамият касб этажак ана шундай шукуҳли кунларимизни англаб, қадрига етиш борасида ижодий уюшмаларимиз ҳали кўп иш қилишларини таъкидлади. Айниқса, «Ўзбеккино» ДАКда ҳанузгача мазмун ва моҳият жиҳатидан юқори савиядаги фильмлар яратилмаганлиги ташвишлидир.

Биз Хотира моҳияти деймиз.

Биз Қадрлаш моҳияти деймиз.

Аслида бу иккала сўз, бу иккала тушунча бир-бирига шунчалар уйғунлашиб кетганки, уруш қурбонлари хотираси олдида таъзим қилар эканмиз, қўлимизни дуога очиб, улар руҳи покларини ёд этарканмиз, ана шундай сержозиба лаҳзаларда озодлигимиз, тинчлигимизнинг ҳам мангу бўлишини Оллоҳдан сўраймиз. Хонадонимиз тинч бўлсин, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин деб ният қиламиз. Бир гап билан айтганда, уруш ва тинчлик сўзининг бир-биридан фарқи нимада эканлигини биз қатори униб-ўсиб келаётган авлодларимиз, эртамизнинг эгалари бўлмиш жажжи ўғил-қизларимиз ҳам тушуниб етадилар.

Суронли, қийин-қистовли уруш кунларини кўриб, урушнинг оғриғини кўксига олиб қайтган ва бизнинг сафимизда тирик юрган замондошларимизни қадрлаш асосида биз бугунги ёруғ кунларимиз учун даҳшатли синовларга дош берган инсонларнинг авлоди эканлигимизни кўзимиз билан кўриб, дилимиз билан ҳис қиламиз. Шу билан бирга она-Ўзбекистонимиз урушнинг даҳшатли лаҳзаларида мудҳиш синовларга дош бериб ўзини асраб қолганини англаймиз.

Ўзбекистон иккинчи жаҳон урушида уруш етимларига бошпана берди. Тузу нон тутди. Бағрига олди. Ўзбекистон фронт ортида топганини урушга жўнатди. Ўзи бардош берди. Ўзбекистон урушнинг жабрини бошқа ўлкалардан ҳеч ам кам тортмади. Бу урушда Ўзбекистон ҳам ғалаба қилди. Инсониятнинг фашизм устидан қилган ғалабасида Ўзбекистоннинг ҳам чексиз улуши бор.

Мен Хотира хиёбонидан қайтар эканман, бу куннинг моҳиятини англаш истиқлолни асраш билан баробар деган хулосага келдим.

■ **Азим СУЮН**

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси эртага, 11 май куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 10 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 11 май куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ОЛИЙ МАЖЛИС V СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ПАРТИЯ НУҚТАИ НАЗАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

2001 йилнинг 8 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ бешинчи сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан, МК Сиёсий ижроия қўмитасининг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди. Сиёсий ижроқўм ушбу нуқтаи назарни сессияда ифода этишни партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоларига тавсия қилди.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Шу куни Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги депутатлар фракцияси аъзолари мамлакат парламентининг навбатдаги сессияси олдидан анъанавий машваратга йиғилдилар. Унда партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Олий Мажлис бешинчи сессияси кун тартибига киритилиши таклиф қилинган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан нуқтаи назари ҳамда фракциянинг ёндашувлари тўғрисида фракция раиси Изидор Кочмарик маъруза қилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси молия вазири М. Нурмуродовнинг Давлат бюджети тўғрисида ахбороти тингланди.

Фракция раҳбари ва, муҳокамаларда иштирок этган депутатлар Олий Мажлис навбатдаги сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ҳамда 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида» (янги таҳрири), «Мудофаа тўғрисида» (янги таҳрири), «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида», «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида» ва «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа, сессия кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалаларнинг кўриб чиқилиши Ўзбекистондаги ислоҳотлар ҳозирги босқичининг муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

Мазкур ҳужжатлар лойиҳалари, муҳокама жараёнида асосан, маъқулланиб, уларнинг айримларига баъзи бир қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозимлиги тўғрисида аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишнинг якдиллик билан қабул қилинган қарорида фракция аъзоларига Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис бешинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартиби ва унда муҳокамага қўйилаётган масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, маъқуллаш ҳамда улар хусусида фракциянинг умумий нуқтаи назарини сессияда ифода қилиш тавсия этилди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

1979 йил майида Мадридда Савдо-сотиқ етакчилари клубига асос солинган эди. Эндиликда у жаҳондаги 145 мамлакатнинг 16 мингдан ортиқ ишбилармонлари, корхоналар, фирмалар ва компаниялар директорларини ўзига бирлаштирган.

Бу йил Женевада Савдо-сотиқ етакчилари клуби ва «Офис» нашриёти «Toshkent lak bo'yoq zavodi» ОАЖ бош директорига «Технология ва сифат учун» халқаро мукофотини топширди. Демак, «TLZ» тамғаси туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида рақобатбардош.

— Жорий йил бошидан тошкентлик лак-бўёқчилар экспорти 700 минг доллардан ошди. Фаол ташқи иқтисодий фаолиятимиз туфайли маҳсулотларимиз донг таратишига эришдик, — дейди завод раҳбари Илҳом Пармонов. — Россияда бир неча савдо уйларини очдик, «Лаклар ва бўёқлар», «Интерлакокраска» халқаро кўргазмаларида қатнашдик. Булар маҳсулотларимизнинг жаҳон бозоридан ўрин эгаллаши йўлида қўйган қадамларимиздан биридир. Зеро, ҳар қандай маҳсулот, у чиройли ўралган ва қадоқланган бўлишидан қатъи назар, агар жаҳон андозаларига мос бўлмаса, касодга учрайди. Фақат сифатли маҳсулот билангина бозордан ўз ўрнингизни эгаллайсиз. Шу боис, сифатни назорат этиш бўлимидан ташқари илмий лаборатория ҳам ишламоқда. Женевада «Сибо» (Базель), «Маршал», «Ени Турон» (Туркия) фирмалари ўзбек маҳсулотларига катта қизиқиш билдирганликлари ҳам бежиз эмас. Шунингдек, қатор мамлакатлардаги ҳамкорлар билан ҳам музокаралар олиб борилди.

Шу кунларда «Тошкент лак-бўёқ заводи» жамоаси Мадридда ўтадиган «Сифат учун» ва «Тижорат нуфузи» мукофотларини қўлга киритиш йўлида астойдил ишламоқдалар.

■ **Абдуғани СОДИҚОВ**

«ЎЗДЭУАВТО»НИНГ 250 МИНГИНЧИ АВТОМОБИЛИ

Мамлакатимизнинг мўъжизавий гиганти — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида 250 мингинчи автомобиль тайёрланди. Бу кун байрамга айланиб кўпчиликнинг қувончига қувонч қўшди.

Замонавий автомобиль корхонасининг ишлаб чиқариш конвейеридан тушган тилларанг «Нексия» гулдасталар бурканиб ўзгача гўзаллик касб этди. Ишчию хизматчилар, меҳмонлар замонавий автомобилга ҳавас билан қарашди.

Асакалик автомобилсозларнинг жасоратли меҳнати билан корхонада ишлар авжида. «Тико», «Дамас», «Нексия»лар харидоргир бўлмоқда. Бундай автомобилларни хорижликлар ҳам сотиб олиш истагини билдираяптилар.

— Истиқлол туфайли бунёд этилган корхонада ишлаётганимдан хурсандман, — деди йиғув цехининг устаси Дилшод Мамажонов. — Замонавий автомобиллар тайёрланишига ҳисса қўшаётганим кўплаб тенгдошларим қатори менинг учун ҳам катта бахт.

Қўшма корхона жамоаси мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрамига замонавий «Матиз» автомобили чиқаришга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Баркамол авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан малакали мураббийлар фаолиятига ҳам боғлиқ. Истиқлол ғояларига содиқ, ҳаёт олдимизга қўяётган масалаларни ечишга қодир авлодни тарбия қилишга киришар эканмиз, аввало ўқитувчилар маънавияти юксак бўлишига эришмоқ зарур.

Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган ижодкор ўқитувчиларнинг анъанавий анжумани ҳам ана шу улуғвор мақсадга хизмат қилади. Ўтган вақт мобайнида анжуман доирасида жуда кўп истеъдод эгалари кашф этилди. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси мураббийларнинг ўз билим-малакаларини узлуксиз ошириб боришга ва шу орқали давлат таълим стандарти талабларига мос равишда ўқув жараёнларини ташкил этишга қаратилган.

Ана шундай анжуманлардан бири яқинда Самарқанд вилоятида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сараланган ижодкор ўқитувчилар иштирок этди. Якунга кўра бухоролик Зарифа Ёриева, Қарши шаҳрилик Нигора Умарова, жиззахлик Имонқул Яхшибоев сингари ўқитувчиларнинг ижодий ишлари яхши деб топилди.

Икки кун давом этган анжуман давомида қатор тарихий обидалар зиёрат қилиниб, намунали фаолият юритаётган ўқув муассасалари билан танишилди.

■ **Шуҳрат ОРИФ**

КАСБИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Ўтган йили Касби ҳунар-техника билим юртига коллеж мақоми берилган эди. Айни вақтда 750 йигит ва қиз таҳсил олаётган, Қашқадарё вилоятида алоҳида салмоққа эга бўлган бу даргоҳда замонавий ўқув жиҳозлари билан қайтадан жиҳозлаш, таъмирлаш ишлари қизғин бормоқда.

«Қашқадарёқурилиш» жамоа корхонаси қурувчилари бош пудратчилик асосида бу ерда ҳозиргача 800 миллион сўмлик ишларни бажардилар. Замонавий спорт мажмуаси, 140 ўринли ошхона, 10000 китоб фондига мўлжалланган кутубхона қурилишлари ана шулар жумласидандир. 210 ўринли ётоқхона учун эса 200 млн. сўмлик жиҳозлар олиб келинди. Жиҳозларни «Файз холдинг» компанияси етказиб берди. Коллежда уч йўналиш (ҳисобчилик, агрономия, қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш) бўйича мутахассислар тайёрланади.

■ **Сулаймон ҲАЙДАР**

МУҚОБИЛ ЛОЙИҲАГА ЗАРУРАТ ТУҒИЛМАДИ

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясига тайёргарлик ишлари охирлаб бораяпти. Сессия кун тартибига киритилган қонунлар лойиҳаларининг такомиллашиши ва сессиянинг ишчан кайфиятда ўтиши кўп жиҳатдан сиёсий партияларнинг Олий Мажлисдаги фракциялари фаолияти ҳамда саъй-ҳаракатига боғлиқ. Шу боис фракцияларнинг сессияолди мақсад ва вазифаларини билиш учун Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси раҳбари Изидор Кочмарик билан мухбир Исмат ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.

— Фракциянгиз Олий Мажлисга таклиф этган, лекин қабул қилинмаган бирорта масалани эслай оласизми?

— Олий Мажлис сессиясига фракциялар томонидан киритиладиган масалаларни депутатларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватламаслиги мумкин. Муҳокама жараёнида тегишли воситалар орқали, манфаатларни ҳисобга олиш, яъни келишиш асосида қонун (қарор) лойиҳасининг ҳаммага маълум кўриниши ишлаб чиқилади ва овозларнинг кўпчилигини олишга муяссар бўлган лойиҳа қабул қилинади. Бунда, албатта, муҳокама қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари юзасидан депутатлар томонидан киритилган барча таклифларнинг овозга қўйилиши шарт. Олий Мажлис регламентининг 81-моддасига мувофиқ, қонунлар лойиҳаларига киритилган таклифлар овозга қўйилаётганда, тегишли қўмитанинг хулосасига қўшилмаган депутат ўзининг нуқтаи назарини асослаб бериш учун сўз сўраши мумкин. Бизнинг фракция олдинги сессияда ушбу ҳуқуқдан фойдаланди. Депутат А. Матвеев «Қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш чоғида сўз олиб, Ўзбекистон ХДП фракцияси тавсия этган тузатишларни асослаб берди. Натижада фракциямизнинг қатор муҳим таклифлари қабул қилинди. Масалан, Қонуннинг 16-моддаси биз таклиф қилган шаклда қабул қилинди. Унда қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига доир тадбирларни ташкил этишда сиёсий партияларнинг иштироки ҳам кўзда тутилган. Ваҳоланки, Қонуннинг дастлабки лойиҳасида бу ҳолат эътиборга олинмаган эди.

Бироқ фракциямиз тақдим этган тузатишларнинг бир қисми сессияда қўллаб-қувватланмади. Масалан, биз қонунлар лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси давомида тушган таклифларнинг Олий Мажлис тузилмаларида кўриб чиқиш тартибини (Қонуннинг 21 ва 22-моддалари) батафсил кўрсатиш лозимлиги тўғрисида таклиф киритган эдик. Ушбу масала овозга қўйилганда, кўпчилик депутатлар Олий Мажлис қўмитаси киритган таклифни, яъни лойиҳадаги лўнда таърифларни маъқул кўрдилар.

— Фракциянгиз Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилган қайси қонун лойиҳасига муқобил лойиҳа таклиф эта олди?

— Зарурат бўлмагани боис, сиз эслатаётган ҳуқуқимиздан фойдаланмадик. Чунки Олий Мажлис қўмиталари муҳокама учун тақдим этган бирон-бир қонун лойиҳаси фракциямиз томонидан номақбул деб топилган вазият келиб чиққани йўқ. Лекин қонун лойиҳаларининг айрим моддалари бўйича муқобил таклифларни сессия муҳокамасига олиб чиқамиз. Масалан, Олий Мажлиснинг бўлажак бешинчи сессиясида муҳокама қилиниши кўзда тутилаётган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 38-моддаси бўйича муҳим таклиф тайёрладик. Депутатларга тарқатилган лойиҳада «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган шахслар тайинланади», дейилган. Бироқ, ҳуқуқшунослик олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фуқаролар бу ёшда олий маълумотли юрист малакаси ва магистр даражасини эндигина олган бўлишади. Шундай кишининг фаоллик даражаси, сўзсиз, турлича. Уларнинг бир қисми Олий Мажлисда доимий ишлашади. Булар нафақат Олий Мажлис тузилмалари, балки фракциямизнинг сессиялар оралиғидаги ишида ҳам фаол иштирок этиш имкониятига эга. Доимий ишламайдиганлар учун, табиийки, бундай имконият йўқ. Қолаверса, Олий Мажлис депутатлигига иккинчи бор сайланган депутатлар билан биринчи бор сайланганлар фаолиятида ҳам, албатта, фарқ бор. Лекин шундай бўлса-да, уларнинг ҳар бири парламент ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшаяпти, деб бемалол айта оламан.

— Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясига кўрилаётган тайёргарликдан кўнглингиз тўқми?

— Агар сиз сессия муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан билдирилган таклифларимизни назарда тутаётган бўлсангиз, айтиш мумкинки, бу ишнинг асосий қисми бажарилди. Фракциямиз «Прокуратура тўғрисида», «Мудофаа тўғрисида», «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида» ва «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари юзасидан шу кунгача 30 дан зиёд муҳим (таҳрир ва атамалардан ташқари) тузатиш ҳамда фикр-мулоҳазаларни Олий Мажлисга юборган эди. Мамнуният билан қайд этишимиз керакки, уларнинг асосий қисми лойиҳаларни такомиллаштириш жараёнида ҳисобга олинди.

Фракциянинг сессия арафасидаги фаолияти фақат шундангина иборат эмас. 2 май куни ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалаларига оид «Давра суҳбати» ўтказдик. Фракциянинг 8 майда ўтказилган ялпи мажлисида Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган барча масалалар бўйича тўла нуқтаи назаримиз ишлаб чиқилди. Шундан кейин депутатларимиз сессиянинг ўзида қонунлар лойиҳалари муҳокамасида фаол иштирок этиш, ўз таклиф-мулоҳазаларимизни барча депутатларга етказиш ҳамда уларни ҳимоя қилишга тайёрланадилар.

(«Халқ сўзи»нинг 2001 йил 5 май сонидан олинди)

МАЪЛУМОТНОМА

- **ХДП 1991 йил 1 ноябрда ташкил топган.**
- **Партиянинг 557 минг 168 нафар аъзоси бор.**
- **Фракция аъзолари — 48 нафар.**
- **Фракция аъзоларининг 8 нафари Олий Мажлисда доимий асосда ишлайди: қўмита раиси — 4 нафар, қўмита раисининг ўринбосари — 1 нафар, қўмита котиби —1 нафар, қўмита аъзоси — 1 нафар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) — 1 нафар.**
- **ХДПдан Маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар сони — 2257 нафар.**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ФАОЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгашининг III пленуми бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари туман партия ташкилотининг Ўзбекистон ХДП МКнинг III пленуми ва Тошкент шаҳар партия кенгашининг IV пленуми қарорларидан келиб чиқувчи вазифаларини, 2000 йилда туман кенгаши ижроия бюросининг фаолияти тўғрисидаги ҳамда 2000 йилда туман партия ташкилоти бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ва унинг 2001 йилга бюджети лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгашининг биринчи котиби У. Шойимқулов маъруза қилди.

Маъруза бўйича музокараларда 17-шаҳар касалхонасининг бош шифокори Ўзбекистон ХДПдан Тошкент шаҳар кенгаши депутати Б. Абдуллаев, 21-болалар уйи директори А. Демчук, «Маънавият ва маърифат» туман маркази раиси Г. Дўстматова, Тошкент электротехника алоқа институтининг иккинчи курс талабаси А. Мирзаев қатнашдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов қатнашди. Ў ўз нутқида туман кенгаши, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ва, энг асосийси, ҳар бир партия аъзосининг самарали ишлаши зарурлигини қайд этди. Шунингдек, пленумда депутатлар гуруҳи ишини фаоллаштириш, ёшлар муаммоларини ҳал этишга янгича, самарали ёндошувларни қидириш ва топиш, ҳудудий партия ташкилотларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловларда фаол қатнашишга йўналтириб, улар ишига кўпроқ эътибор бериш зарурлиги айтилди.

***

Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгашининг ҳам навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Туман кенгашининг биринчи котиби М. Ёқубов маъруза қилди. У ўз маърузасида туманда ўтган давр мобайнида партия дастурини аҳоли ўртасида тарғиб қилишдаги ишларга алоҳида эътибор бериб ўтди.

Шунингдек, пленумда Тошкент шаҳар депутати, туман ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Н. Расулов ўтган йилда амалга оширилган ишлар ва келажакда режалаштирилган депутатлик фаолияти ҳақида ахборот берди. Тумандаги қатор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, партия фаоллари сўзга чиқдилар.

Пленум ишида Акмал Икромов тумани ҳокими А. Маҳмудов, ҳоким ўринбосарлари ва Ўзбекистон ХДПдан сайланган Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари У. Валиев, Р. Мирқосимов ва Тошкент шаҳар партия кенгашининг масъул ходими Н. Агафонова иштирок этдилар.

***

Худди шундай кун тартибига эга бўлган пленумлар Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек, Бектемир, Шайхонтоҳур, Чилонзор ва Ҳамза туман кенгашларида ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси партия ташкилотида ҳам бўлиб ўтди.

Пленумларда муҳокама этилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ХОТИРА ВА ҲАЁТ

НОМИНГ ЎЧСИН, УРУШ

Инсоният бошига оғир кулфатлар солган иккинчи жаҳон уруши тугаб кетганига анча йиллар ўтган бўлса ҳам, аммо унинг асоратлари, халқимиз бошига солган кулфатлари ҳамон одамлар ёдида. Истиқлол туфайли Тошкентда «Мотамсаро она»га қўйилган ёдгорликка эҳтиром бажо келтириб, урушда шаҳид бўлган юртдошларимиз рўйхатига назар ташлар эканмиз, манфур урушда оламдан кўз юмиб кеттан оталаримиз, акаукаларимизнинг дардлари ҳамон юракларимизни эзади.

Мен қаламга олаётган, дўстим Икром Жалилов урушнинг барча жабр-жафоларини кўриб, жангда мардлик, матонат кўрсатиб эсон-омон қайтган қаҳрамонлардан биридир. Биз уруш йиллари Икром Жалилов билан Тошкент юридик институтида таҳсил кўрганмиз. У 1942 йилги қаттиқ жангда оғир ярадор бўлиб қайтиб келган.

Икром Жалилов ҳуқуқшунос олим, юридик фанлари доктори, профессор, кўплаб илмий асарлар, дарсликлар муаллифи. У барча оғирчиликларни бошидан кечирганлиги учун ҳаётнинг қадрига етадиган, ғоят камтарин, тиришқоқ, жонкуяр инсон, етук олим, муаллим, шогирдларига ғамхўр ва меҳрибон.

Ўша институтда бирга ўқиган йиллар машъум урушнинг даҳшатлари, мард ўзбек ўғлонларининг жасоратлари ҳақида Икром ака сўзлаган ҳикоятларини кўп эшиттанмиз.

— Душман Москвага яқинлашиб қолган эди ўшанда. Фашистлар шаҳарни оламиз деб бутун техника, авиация, маторлаштирилган қисмларини ташлаганди. Мен Панфилов дивизиясининг бешинчи ротасига командирлик қилардим. Ўзингиз биласиз, урушнинг дастлабки йиллари қуролларимиз унчалик шай эмас, кўпроқ ёнилғи тўлдирилган шиша идишлар, гранаталар билан қуролланган эдик. Автоматлар ҳам етарли эмасди. Беш отар милтиқлар асосий қуролимиз эди. Кўп жангчиларимиз бекордан бекорга қирилиб кетишди. Кўкрагини ўққа тутиб, белига граната боғлаб танк остига ўзини ташлаган юртдошларимизга ачинаман. Ўша кезлари фашистни лопатка билан уриб ўлдирган ўзбек ўғлони Қўчқор Турдиев кўкларга кўтарилиб, мақталгани, барчага намуна этиб кўрсатилгани ёдимда.

1942 йилнинг олтинчи ноябридаги қаттиқ жанг ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша куни фашистларнинг элликта танки бостириб кела бошлади. Ажал ҳиди анқиб турган жангда аскарлар ўлимга қарши тик бордилар. Шундай жанг бўлдики, уни сўз билан ифодалаш қийин. Ёнилғи тўлдирилган шишалар роса қўл келди денг. Танклар кетма-кет ёна бошлади. Жангчи йигитлар танкларга жуда яқин туриб ана шу шишалар, гранаталарни итқитар эдилар. Жанггоҳ ёнаётган танкларга тўлиб кетди. Бизнинг бешинчи взводимиз, айниқса, қаттиқ жанг қилди. Икки томондан ҳам кўп талафот кўрилди. Жанг майдони гўё дўзахни эслатарди. Старая русса-Холм йўлидаги Кабликова қишлоғи учун қаттиқ шиддатли жанг чоғида ака ўша машъум урушнинг барча жабру жафоларини кечиб, аёвсиз қонли жанглардан қолган оддий бир шинелда тўрт йил давомида Тошкент юридик институтида ўқиди. Кейин шу институт ҳузуридаги аспирантурада таҳсил кўрди. Биз у билан Москвага илмий сафарга бориб, кутубхоналарда, илмий текшириш институтларида номзодлик диссертацияси учун ҳужжатлар тўплаб эртаю кеч илм қилганмиз. Аммо, Икром Жалилов биз кутубхонадан кетиб қолганимиздан кейин ҳам ҳеч ерга бормай, қунт билан ўтириб тинимсиз ишлайверарди. Унда тоқат, кўникма, иродаю интизом оғир ярадор бўлдим. Толеим бор экан, тирик қолдим. Ўша кун мен учун сўнгги жанг бўлди. Менинг жанговар йўлим шу билан якунланди. Кейин ногирон бўлиб Тошкентга қайтдим.

Кўриб турибсизки, Икром ўзгача эди. 1961 йилда аспирантурани тугаллаб, Туркистонда ер ҳуқуқининг асосий белгилари хусусида номзодлик диссертациясини ёқлади. 1971 йилда эса докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Икром Жалилов Ўзбекистонда, умуман Ўрта Осиёда аграр ҳуқуқ масаласида илм қилган биринчи ҳуқуқшунос олим десак хато бўлмас.

У Тошкент юридик институтида, кейин фалсафа ва ҳуқуқ институтида кўп йиллар тинимсиз меҳнат қилди. Ер ҳуқуқининг асосий йўналишлари бўйича қирқдан ортиқ илмий мақола, асарлар ёзди, кўп эътиборли илмий конференция, йиғинларда маърузалар қилди. Кўплаб ҳуқуқшунос шогирдлар тайёрлаш унинг мазмунли ҳаёт йўлидир.

Ҳозир Икром Жалилов ақл-идрок ёшида — ишлаб чарчамайди. Уни кўпинча учрашувларга, мулоқотларга ҳурмат, эҳтиром билан олиб кетишади. Ёшлар жангчи олимни саволларга кўмиб ташлашади.

■ **Мақсуд ҚОРИЕВ**





Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Зомин туман бўлими ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони доирасида кенг кўламда фаолият олиб бормоқда.

— Деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, мижозлар манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш энг катта мақсадимиз, — дейди банк бошқарувчиси Ўктам Алибеков. — Шу мақсадда мижозларга жами 68.483 миллион миқдорида мини-кредитлар берилди.

Банк туман бўйича жами 483 та мижозга хизмат кўрсатмоқда.

Суратларда: банк фаолиятидан лавҳалар.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ОЧИҚ ГАПЛАР

КЎНГИЛДАГИ КЕМТИК

Самарқанд вилоят 2-сон сил касалликлари шифохонаси қошидаги мактабнинг 7 йилдан буён авария ҳолатидан ташвишга тушмаётган раҳбарлар диққатига

Баъзан инсон беғарроликнинг қурбонига айланганида алам, изтиробга ботади. Юрагини кемираётган виждон эса исён қилади. Айбдор қидирилади. Аслида жамиятнинг барча аъзолари унда юз бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасликлари керак. Сабрнинг, тоқатнинг ёлғонларига учганлар эса тараққиётимизга тушов бўлмоқдалар. Уларни адолат тамойилига қатъий риоя қилган ҳолда инсофга чақириш барчамизнинг муҳим вазифамиздир.

Президентимиз фарзандларимизнинг баркамол бўлиши учун мудом қайғурадилар. Уларнинг ёруғ манзиллар томон парвоз қилишларига қанот бўлишимиз кераклигини уқтирадилар. Лекин биз ҳамиша бунга амал қилмаётганлигимизни кўришнинг ўзи кишини ўйга толдиради.

Бу ерга кириб келганимизда сил касаллигининг бу қадар даҳшатли оқибатларга олиб келиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эканмиз. Суяк сили хасталиги баъзан бир умрга тўшакка михлаб қўяр экан.

Самарқанд вилоят 2-сон сил касалликлари шифохонасида республикамизнинг Самарқанд вилоятидан ташқари Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Навоий, Жиззах вилоятларидан келган бемор болалар даволанадилар. Улар узоқ вақт даволанганликлари сабабли бу ерда мактаб фаолият кўрсатади... Лекин унинг биноси 1994 йилдан буён авария ҳолатида. Мактабнинг 7 йилдан буён фаолият юритмаётганини раҳбарлар ё билмайдилар, ёки билишни истамайдилар. Бу ўйимизни бузиб юборадиган далилларга дуч келдик. Шифохона бош врачининг вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурали Шавазига ёзган хатидан:

«Ҳурматли Нурали Мамедович!

...Бундан ташқари шифохонамиз қошида «Йўлдош» номли махсус ўрта мактаб мавжуд бўлиб, 1985 йилда ишга туширилган, лекин 1994 йилдан буён авария ҳолатида бўлганлиги сабабли фойдаланиш тақиқланган. Шу сабабли бемор болалар дарсларини бўлимларнинг ошхоналарида ўқишмоқда.

Бу борада ВССБга 1999 йил ноябрь ойидан бери 5 марта ёзма ва оғзаки, бундан ташқари Сиёб туман ҳокимлигига бир неча маротаба мурожаат этилган. Лекин ҳозирги кунга қадар амалий ёрдам берилмаган.

Вилоят 2-сон сил касалликлари шифохонаси бош ҳакими: З. К. Бўлаев».

Ҳақиқатан ҳам бош врач айтганидек, амалий ёрдам берилмади. 2000 йил 12 декабрь куни битилган 478 рақамли бу хатдан сўнг ҳам 2001 йил 13 апрелда 236 рақамли мактуб юборилди. Лекин ҳамон бу ишда амалий силжиш йўқ. Шарқда маърифатнинг қадим бешиги ҳисобланган Самарқанд шаҳрида жойлашган шифохона беморларидан салкам 100 ўқувчи таълим олишига мактаб йўқлигини қандай тушуниш керак?

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурига амал қилиш асосий паллага кирганида буни танангизга бир сингдириб кўринг-чи?

Мактаб биноси 7 йилдан буён гунг-соқов ҳолатда турибди. Раҳбарлар эса жим.

Биз ошхонада ўқиётган ўқувчиларни безовта қилмасдан илмий бўлим мудири Насиба Шариповага учрашдик. Ва фан ўқитувчилари қайд этадиган расмий ҳужжат синф журналларидан иккитасини ажратиб олдик. VI «А» синф журнали математика фани муаллими Л. Меликова 23 мартдан 20 апрелгача журналга ўтилган дарсларни қайд этмаган, аниқроғи, дарс ўтмаган. VII «А» синф журналига ўқитувчи Д. Тоҳирова 20 апрель бўлса-да олдинги кунлар учун, яъни 24 апрелгача дарс мавзуси ва соатларини қайд этган. Масаланинг янада аянчли томони шундаки, гарчи 2001 йилнинг I чораги ўтган бўлса-да, 2 ярим йиллик учун тузилган дарс жадвали бош врач томонидан тасдиқланмаган.

Мана сизга «Оналар ва болалар» йилида ногирон болаларга муносабат?! Ахир, улар ҳам жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканликларини ҳис этиб яшашга ҳақлари бор-ку?! Юқоридаги ҳолатни кўрганимиздан сўнг болаларнинг ошхонада ўқиётганига ҳам шубҳаландик. Мактабнинг салкам 30 нафар ўқитувчиси болаларга шу хилда дарс ўтаётганлиги ачинарли ҳолатдир.

Баъзан ўйга толасан. Сил касаллигига учраган беморларнинг ижтимоий муҳофазаси йўлида Вазирлар Маҳкамасининг 153-сонли қарори чиққан бўлса-да, гарчи Соғлиқни сақлаш вазирлиги сил касаллигининг олдини олиш масаласига бағишлаб ҳар йили ҳайъат йиғилишини ўтказса-да, бу ишлар вилоятларда тўлиқ бажарилмаяпти. Демак, назорат суст.

Лекин кўнгилни бир нур ёриттандай бўлади. Бу 11 май куни иш бошлайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси муҳокамасига киритилиши назарда тутилган «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасидир. Балки шундан сўнг унинг шамоли Самарқандга ҳам етиб борар. Вилоят ҳокимлигидаги мутасаддилар, ВССБ раҳбарияти ногирон болалар ноласига қулоқ тутар...

Ҳозирча бу бир ишонч, илинж. Лекин унинг ижобат бўлишини истаймиз.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ОҚСАРОЙ

(КАСИДА)

1

Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,
Кундуз қуёш қўниб ўтар, тунда ой.
Чуқур дарё кўрингандек сиртдан тинч,
Теграсида улуғвор бир сокинлик.
Ичкарида мамлакатнинг юраги
Элим, юртим дея ёниб уради.
Миллат дарди, юрт қайғуси, эл тинчи —
Шудир шараф унвонига элтувчи.
Тасодифан озор чекса эл агар,
Оқсаройни ўртаб ўтар энг аввал.
Қувонч қуши учса қай бир гўшадан,
Оқсаройга келиб қўнар ўша дам.
У Озодлик авлодига бошпана,
Дунёга йўл Оқсаройдан бошланар.
Остонасин йўқлаб келар, ҳар бобда
Жаҳон ичра донг таратган арбоблар —
Президентлар, қироллару пошшолар,
Ўзбекдай мард дўст қидирган пешволар.

2

Оқ уйи ё Оқсаройи тожи сар,
Огоҳ этар элу юрт ривожидан,
Замон бўлди Соҳибқирон замони,
Кешда бино этди ажиб бинони.
Осмонга бўй чўзди улкан қўш равоқ,
Кенг ҳовлиси тоштахтали оқ, равон.
Деворлари зар, ложувард кошиндан,
На Мағрибда, на бор Чину Мочинда.
Қачонки юрт ўз эркини берди бой,
Атиргулдек сўлди гўзал Оқсарой.
Кошинлари кўз ёшидай тўкилди,
Расо қадди ёй мисоли букилди.
Яна ҳурлик кирди оро жонига,
Малҳам қўйди заха-яра танига.
Аммо руҳи учди Тошкент томонга,
Зап киройи кўрк берай деб замонга.

3

Пойтахтнинг қоқ ўртасида тикди қад,
«Қуббатул-истиқлол» эрур то абад.
Меъмори Юртбоши, тенгсиз маҳорат,
Ҳар нақшида ўзбекона тароват.
Лойи меҳр суви билан қорилмиш,
Саратон — танурда пишган ҳар бир ғишт.
Оқиш мармар, яшил тошдан устуни,
Юрт осмони безаб турар устини.
Руҳинг қушдай енгил тортар, босмас юк,
Бир зал мовий, бири зангор, бири кўк.
Шифтларидан шаффоф зиё сочилар,
Ул бирида нилий осмон очилар.
Қибла томон қараб турар пештоқи,
Саҳни чаман: яшил, қизил, пистоқи.
Кўш қаноти бир-бирига вобаста,
Парвозга шай лочин дейсиз ҳавасда.
Тож зийнати ёқут каби ярқираб,
Манглайида Ватан герби барқ урар.
Амир Темур дубулғаси мисоли,
Оқ қуббаси шонли ўтмиш тимсоли.
Ҳур-ҳур еллар эсиб ўтар осуда,
Юрт байроғи ҳилпирайди бошида.
Этагида қадим Анҳор жўш уриб,
Куйлаб оқар абадият қўшиғин.

4

Ватан шаънин шарафлар эл-улуси,
Кимлар учун юрт рамзидир Елисей.
Кимлар Оқ уй деса тикар жонини,
Авло кўрар ғурурини, шонини.
Даунинг стритни борми билмаган,
Инглиз сўз айтар унинг номидан.
Император саройидан кетса гап,
Япон боқар сакурадай гул яшнаб.
Не бахт, мен ҳам аён этиб ҳаддимни,
Сўз айтаман мағрур тутиб қаддимни:
Замонга боп иморатдир Оқсарой,
Эркимизга ишоратдир Оқсарой.
У ўзбегим дўпписидай беқиёс,
Она халқим тийнатига хосу мос.
Унда озод миллат руҳи мужассам,
Ҳам шавкати, ҳам шукуҳи мужассам.
Дунё йўли макон тутган қароргоҳ,
Ватанимда Каъбам менинг шу даргоҳ.
... Тошкентнинг қоқ ўртасида Оқсарой,
Кундуз қуёш қўниб ўтар, тунда ой!

■ Саъдулла ҲАКИМ

ҲАЁТ МАРДНИНГ ЕЛКАСИДА

(ОЧЕРК)

Жанг олдидан... Акбаржон Азизов (ўнгда) дўсти билан

Ҳуши учар заминнинг,
Зириллаб тўзғир ҳаво...
Қулар ярадор тоғлар —
Замбил ахтарар дунё.

Чинқиради майсалар,
Тўйиб кетар жонидан...
Бир хўплам қон томади
Осмоннинг сувдонидан...

У анча кун ўлим билан олишиб ётди. Кун билан тун қоришиб кетди. Ҳеч нарсани идрок қилолмасди. Кўзини очишга уринар, алланечук оғриқ (у оғриқнинг шаклини ўзича тусмолларди) қабоқларини босар, мияси даҳшатли азобдан зўриқарди... Ахён-аҳёнда кўз ўнгида оппоқ шарпалар сузиб юрар, шифтдаги тўртбурчак шаклдаги катакчалар эса ҳаракатга келгандай туюлар, нега шундай бўлаётганини англашга уринса, кимдир бошига буров солар, жон уҳмида инон-ихтиёрини яна оғриққа, изтиробга топширар — узоқ вақт ҳушсиз ётарди. Энг даҳшатлиси у ўлим ва ҳаёт оралиғида тўлғанар, қилдай нафис тириклик ришталарига қирчиллаган йигит умри боғланиб турарди. Қисматнинг шунчаки бир эпкини бу йигитнинг ҳаёт ришталарини узиши, ёниб турган умр шамини ўчириши мумкин эди.

Ҳафта ўтди... Идроки хира тортса-да, милтиллаган ёруғлик ингандай бўлди. Эслади... Душман билан юзма-юз келди. Ҳандақдан отилиб чиқиб қуролдошлари сафида олға интилди. Чолғи ўроқ тегиб титраб йиқилган момиқ ўтдай чайқалиб йиқилаётган қисмдошлари кўз олдига келди. Тепадан исқоти қуролнинг қандай тури бўлса, барисидан отилган ўқлар дўлдай ёғилади. Ўқбўрон бошланган эди. Оғир жангларни кўриб кўзи қотган, ҳар қандай кескин ҳолатда ўзини асрашга чоғлана билгувчи жангчининг ёнида кучли портлаш содир бўлди...

Жангчи хотирасида муҳрланган ўша, сўнгги лаҳзаларни эслади. Бошига оғриқ кирди. Яна алаҳсий бошлади.

Бу орада ярадор аскар тепасида парвона бўлган ҳамшира, госпитал раҳбари — кекса майор, яна иккита навқирон ҳарбий дўхтир ўлим билан курашиб ўзига келган жангчининг иродасига таҳсин айтиб, томирига тинчлантирувчи дори юборишди. Бир оздан сўнг ярадорнинг жони ором топгандай бўлди. Укол таъсирида уйқуга кетди.

— Жони темирдан экан, чидади ўғлон... Қийин ҳолдан ўтиб олди, — деди майор.

— Кеча мижжа қоқмади, гоҳ беҳуш, гоҳ алаҳсиди, — деди ҳамшира...

— Хўш, кўринишидан осиёликка ўхшайди... Чайир. Анча ёш.

— Ўзбекистондан... ўзбек йигити. Ўртоқ майор, ўтган галдаги Курск жангидаги олишувда яраланди, — гапга қўшилди ёш дўхтир.

— Фашизм ер тишлаган жангнинг қаҳрамонлари, булар, — майор кўзойнагини олиб артди-да, қаншарига қўндириб ярадорнинг манглайига қўл теккизди. — Яхши, безовта бўлмасин. Контузиянинг оғир кўриниши, — деди ва ҳамширага юзланди: — Бир соатдан сўнг жангчи аҳволи хусусида ахборот берасиз.

Бир кун ўтди. Ярадор ўзига келди. Лекин ўзини анча олдирган, миясининг лўқиллаб оғриши тинмаганди.

Одам оғир аҳволда, мислсиз азоб чангалида тўшакда ётгач, барибир кўнглига таскин бергувчи манзараларни эслайди. У ўз она қишлоғини эслояптими, туш кўраяптими, кўз ўнгида гавдаланган энг азиз инсонлар, қавм-қариндошлари, қадрдон кўчалар, болалик билан юзма-юз келиб турарди. Фарғона водийсининг маржон доналаридай тизилган сўлим қишлоқларидан бири Исфайрамсойнинг зилол сувли ариқлари, райҳон бўйи уфурган кўчалари, ифорли сўқмоқлари, болалик деган рассом қалбга жо этган, ҳеч бир куч юлқиб ололмайдиган Қувасойнинг бетакрор гўзаллиги кўз ўнгида қўр тўкди. Бундай пайтда, ҳаётга чанқоқлик, киндик қони тўкилган масканнинг тафти, ҳарорати, юзи тонгдай тиниқ нуроний чолларнинг ним табассуми, водийликларга хос одамохунлик чеҳрасини ёритган меҳр, уруш исканжасида қурашаётган хаста ўғлоннинг ботинига куч бағишлади.

Бугун мавриди келиб очеркимиз қаҳрамонига айланган инсоннинг ҳаёти ибратларга тўлиқлиги билан ажралиб турадики, унинг госпиталдаги аҳволини бир оз унутиб, қўлимиздаги маълумотларга кўз югуртирсак.

Қувасойнинг шундоқ биқинида тузуккина саноат шаҳарчаси — Қизилқия бор эди. Қизилқияда чор Россияси даврида йирик кўмир конлари бўлиб, бу ерда рус, ўзбек, қирғиз кончилари туну кун қора чанга беланиб кўмир қазишарди. Дастлабки йиллари Қизилқия кўмирини Скобелев, Кўқон, Андижон шаҳарларига от аравада ташишарди. Кейинчалик шаҳарга Скобелевдан темирйўл тармоғи тортиб келинди.

Темирйўл бекати атрофида яккам-дуккам уйлар бўларди холос. Ҳозирги кўп қаватли уйлар, боғлар ва саноат корхоналари, шаҳар атрофидаги янги маҳаллалар ўрни ботқоқ, қалин тўқайзор ва чангалзорлардан иборат эди. Узун қиш тунлари гоҳо Арсиф қирлари томондан келган бўриларнинг увиллашлари эшитилиб қолар, Исфайрамсой атрофларидаги тўқайзорларда эса тулки, жайрон, илонлар макон қурган, баъзан ёввойи тўнғизлар ҳам учраб қолар эди. 1926 йили Қувасойнинг ўзида ҳам кичик цемент заводи қурилди.

1924 йилда туғилган Акбар ака Азизовнинг болалиги ва ёшлиги Исфайрамсойнинг зилол сувлари тошдан урилиб, шарқираб оқиб ўтадиган соҳилларида, тоғ этакларидаги янги барпо бўлаётган боғларда, ҳозирга келиб Фарғонанинг гўзал шаҳарлари маржонига йирик дур бўлиб қўшилган Қувасойда ўтди. Фарғона водийсидаги энг гўзал ва саноатлашган шаҳарлардан бири бўлмиш Қувасой Акбар аканинг кўз ўнгида ўсди, улғайди. Унинг бугунги иқтисодий қуввати жамолида Султон карвоннинг ўғли Акбар аканинг ҳам муносиб улуши бор. Зеро, у бутун куч-қуввати, ақл-идроки ни шу шаҳар ва ундаги хўжаликларнинг гуллаб-яшнаши учун сарфлади. Шу юртнинг истиқболи учун тинмай қайғурди.

16 ёшларга кирган пайтда отаси касалланиб шифохонага тушди. Жарроҳлар у кишини операция қилишди. Аммо операциядан сўнг узоқ муддатгача ишга ярамай ногирон бўлиб қолди. Бунинг устига 17 ёшли акаси тўсатдан вафот этди. Онаси уй ишлари билан банд. Хуллас, тўрт жондан иборат оила боқувсиз қолди.

Темирйўл бекати ёнида хом ғишт ишлаб чиқарадиган завод бор эди. Шу заводга ишга кирди. Ёши етмай, отасининг паспортини олиб бориб расмийлаштирди. Эртадан кечгача ғишт қуйди. Қийналса ҳам рўзғорни эплаб турганидан хурсанд эди.

Акбаржоннинг зеҳни ўткирлиги, билим олишга мойиллигини билган ҳамқишлоқлари, фаросатли, узоқни кўра биладиган одамлар ҳам йигитчага ёрдам бериш тараддудида эдилар. Қувасойнинг ўқимишли, сермулоҳаза одамларидан бири ҳисобланмиш Шокиржон Сайдумаров бир кун эрта саҳар ишга кетаётган Акбаржонни тўхтатди.

— Отангизнинг соғлиқлари яхшими?

— Шукр.

Шокиржон ака бироз яна уёқ-буёқдан аҳвол сўради-да:

— Акбаржон, сизни биламан, зеҳнингиз тийрак, қобилиятлисиз. Русча ёзиш, ўқишни ҳам қойиллатасиз. Лекин ҳозирги ишингиз умрбод пешонангизга ёзиб қўйилган эмас. Сиз ўқинг, ўз устингизда ишланг! — деди.

— Аҳволни биласиз-ку, Шокир ака.

— Биламан, шунинг учун ҳам сизбоп иш топиб қўйдим.

— Қандай иш?

— Халқ судида ишлайсиз!

Акбаржон суд нималигини билар, аммо судда ишлашни ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳатто ҳеч қачон бу идорага иши тушмаган эса-да «суд» дейилганда юрагини аллақандай ҳадик, кўрқинчга ўхшаш туйғу қоплаб оларди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ: қатағон йиллари одамлар суд, органлардан қўрқиб қолишган эди.

— Йўғ-е...

Шокир ака ёш Акбаржонни кўндирди. 16 ёшли йигитча суд ҳайъати котиби бўлиб ишлай бошлади.

Ҳаёт Акбаржоннинг кўз олдида ўзининг бутун мураккабликлари — хиёнат ва садоқат, адолат ва разолати, жасорат ва қўрқоқлиги, иймон ва ноинсофлиги ила намоён бўлар эди. Акбаржон тез орада ҳуқуқшунослик илмининг алифбосини англай бошлади. Юрагида мана шу соҳани эгаллаб, элда фақат адолат ўрнатиш учун курашадиган одил ҳакам бўлиш истаги туғилди. У ўқишга киришга ҳозирлана бошлади.

Афсуски, миллионлаб орзулар ва тақдирларни хазонга айлантирган машъум воқеа содир бўлди. Уруш бошланди. Ҳали 18 га ҳам кириб улгурмаган Акбаржон 1942 йилнинг бошларида, аёзли қиш кунларидан бирида фронтга жўнади. Қувасойдаги кичик темирйўл бекати атрофида ўсган, мўйлови эндигина сабза урган навқирон ўспирин шу кетганича 9 йил бир қадами хавф-хатарга тўла, таҳликали, бироқ эр йигит бошидан кечириши шарт бўлган жасоратларга тўла йиллар кутарди.

Темирйўлчилар хонадонида ўсган йигитчани собиқ Туркистон ҳарбий округи темирйўл қўшинларига хизматга олишди. Қозоғистоннинг Дарбоза номли кичик шаҳрида икки ой ўқув машқлари, ҳарбий тайёргарликнинг дастлабки босқичларини ўтишди. Бу ердан Новосибирск шаҳрига юборишди. Бепоён Сибирь пойтахтида бироз муддат тўхтаб қўшимча аскарлар, қурол-яроғлар тўлдирилган 30-алоҳида темирйўл бригадаси Россиянинг ғарбий ҳудудларига қутуриб интилаётган душманга қарши жангларга отланди.

Темирйўл қўшинларидаги хизмат уруш даврида энг машаққатли, хавфли ва масъулиятли хизматлардан ҳисобланарди. Чунки қурол-аслаҳа, тўп-тўпхоналар, аскарларни ташиётган поездлар душман авиациясининг биринчи галдаги нишонига айланарди. Немис «Мессершмитт»лари ўлжа пойлаган калхатдай осмонни кезиб, юкли поезд тизимларини қидиришарди. Сон-саноқсиз диверсантлар эса поездларни портлатиш учун собиқ совет қўшинларининг орқа қисмига ташланарди. Темирйўл қўшинлари поездларни осмондан ва ерда диверсантлардан муҳофаза қилишар, тиним билмай соқчиликда туришар, кучли совуқ, бўронларда ҳам очиқ вагонларда кетишарди.

Баъзан эса душман қўшинлари жадал ҳаракат билан фронт линиясини ёриб ўтиб қолар, шунда темирйўл қўшинлари фашистлар билан тўғридан-тўғри жангга киришарди. Душманнинг ўқ ёмғири остида бузилган темирйўл изларини тиклашар, вагонларни ўз вақтида белгиланган жойга етиб бориши учун жон бериб жон олардилар. Ахир ўз вақтида жанг майдонига етказиб келинган ҳарбий техника, тирик куч, ғалаба гарови-да! Қалтис вазиятларда қўшимча куч ва ҳарбий техниканинг кеч қолиши эса урушда армия учун ҳалокатли ҳолдир.

Темирйўл қўшинлари иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида мислсиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Курск остонасида ўқ ва снарядлар ташиб кетаётган темирйўл составини душман самолётлари бомбардимон қила бошлади. Орқа вагонлар ёнғин ичида қолди. Қичик сержант Акбаржон Азизов «Мессершмитт» ёғдираётган ўқлар ёмғири остида ёнаётган вагонларни составдан ажратиб юборишга ' гурди...

Курск ёйи жанглари иккі чи жаҳон уруши тарихида) қилувчи аҳамиятга эга м' ҳораба бўлган эди. Ш' ўринда генерал-лейтенант С. Охунжонов айтиб берган бир ҳодиса ёдга тушади. Айтишларича, ҳайкалтарошлардан иборат ижодий гуруҳ Сталинград жасоратига бағишланган ёдгорлик яратиш ҳақида топшириқ олади. Ижодий гуруҳ яратилажак ёдгорли ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун ўша жанглар қаҳрамони, маршал В.Чуйковга мурожаат қилади. «Мамай қўрғонга бориб, ўша жойдаги бир квадрат метр ерни бир метр чуқурликда қазинглар. Шу жойдан қанча ўқ ва осколка чиқса, оддий солдат жасорати ҳақида ўшанга қараб мушоҳада юритасизлар», — дейди маршал. Дарҳақиқат, Сталинград учун энг шиддатли жанглар кетган жанггоҳ, Мамай қўрғони атрофида юқоридаги ўлчамда ер қазиб кўрилса, бир квадрат метр жойдан 1600 та ўқ ва осколка топилган. Бу бир жангчи эгаллаган жой, демак, битта жангчи бошига 1600 та ўқ ва осколка ёғдирилган! Ҳа, урушда урушнинг оғирини солдат тортади. Энг кўп ҳалок бўлган ҳам солдат эди. Курск ёнидаги жанглар ҳам ана шундай қирғинбаротга айланди.

Орёл шаҳри остонасидаги қишлоқлардан бирига ўрнашиб олган гитлерчилар жангчиларимизнинг олға юришига қаттиқ қаршилик кўрсатарди. Душманнинг қалин қайинзор ортидаги пухта ниқобланган ўт очиш нуқталари бехато ишларди. Темирйўлдаги қурол-яроғ ортилган составни олға олиб кетиш учун шу қишлоқдаги душман қисмларини тугатиш лозим бўлиб қолди. Взвод командири Акбаржон ва яна икки жангчига фрицларнинг ўқ отиш нуқталарини аниқлаб, «тил» тутиб келишни буюрди. Акбаржон ва унинг шериклари бу топшириқни аъло даражада бажарди.

Улар олиб келган «тил» немис офицери бўлиб чиқди. «Тил» бағоят муҳим маълумотларни берди.

Курск остоналарида шиддатли жанг бошланди. Акбаржон ана шу жангда ярадор бўлди.

... Госпиталдан чиққан Акбаржонни энди ички ишлар қўшинларига қарашли 71-темирйўл полки ихтиёрига юборишди. Полк Хабаровск шаҳрида жойлашган эди.

1945 йилнинг ёзида Акбаржон ҳам қўшинлар сафида япон армияси билан бўлган жангларда қатнашди. Гоби саҳроларида жанг қилаётган қўшинларга қурол-яроғ, озиқ-овқат етказиб бериш, қисқа муддатда темир йўллар барпо қилиш ишларида фаол иштирок этди.

Уруш туғади. Аммо Акбаржон хизмат қилаётган 71-темирйўл полки қўмондонлиги тажрибали жангчини зоҳирага бўшатишга шошилмади. Чунки, бундай «кекса» солдатлар янги аскарларга кўп нарса ўргатиши керак эди. Хуллас, анча йиллик ризқ-насибаси ўша ёқларга сочилган экан.

Тақдир экан, Хабаровск шаҳрида яшайдиган, ўзимизнинг ўзбек қизларидан қолишмайдиган ҳаёли, иболи Вера исмли қизга кўнгил қўйди. Кўп ўтмай тўйлари бўлиб ўтди. Бир-биридан ширин қизчалари Татьяна ва Тамаралар туғилишди. Ҳарбий хизмат тугагач, садоқатли Вера Ўзбекистонга келди. Ширин оилавий ҳаёт, эл-юрт бахт-саодати йўлида тиним билмай ишлаш онлари бошланди.

Акбаржон Азизов туманда, қатор жамоа ва давлат хўжаликларида раҳбар бўлиб ишлади. Қувасойга унинг хизмати кўп сингган. Қувасойда қад ростлаган корхоналар, гуркираган боғлар Ўзбекистонимиз кўркига кўрк. Бунда узоқ йиллар Қувасой раҳбарларидан бири бўлган Акбар аканинг ҳам юрак қўри, билими, пешона тери мужассам. Ўзбекистон ҳукумати Акбар Азизовнинг хизматини муносиб баҳолаган. У қатор орден ва медаллар соҳиби. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвонига сазовор бўлган.

Сўнгги сўз

Биз бугун ҳаётнинг пастбаландини кўриб, урушнинг жароҳатини қалбида кўтариб, узоқ йиллар Она Ўзбекистон ободлиги йўлида меҳнат қилган бир инсоннинг ҳаёт йўлига қўлимиздан келганича чизги бердик. Инсон хотираси — ардоқли. Агарким шу Ватан учун кимки фидойилик қилса, шу Ватанга томир отганини англаса, элнинг назарида юриб, халқнинг дуосини олса, уларнинг меҳнати, шавкати халқнинг қалбида ардоқ топади.

Урушнинг бир куни ўн йилдан узун ўтади. Оғриқлари асрни қаритади... Бу жароҳатни елкалаб олиб юриш ва сўнгги дақиқаларда ҳам эл учун оёқда тик туриб, она-Ватан эртаси йўлида хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, бу — жасорат.

Бу — матонат!

Ҳаётнинг эса биз билиб-билмаган қонунлари бор. Ихтиёри ўз измида. Агар ҳаёт бўлганларида Акбар ота роппа-роса 77 ёшни қаршилардилар. Бугун Хотира ва Қадрлаш кунининг файзли лаҳзаларида янада эъзозда бўлардилар, сафимизда турардилар...

Ана шундай кунда Акбар ота ва у киши сингари улкан тақдир соҳибларини хотирлаб, бизнинг ҳам кўнглимиз ёруғ тортмоқда.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ, Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари**

1 2 3

ВИЗА БЕРИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Бельгия ҳукумати 5 майдан бошлаб Россия фуқароларига кириш визаси беришни тўхтатди. Бундай қарорга келинишига сабаб, кейинги йилларда россияликларнинг ушбу давлатга кириб келиши кескин ўсди. Умуман, Европа давлатлари ичида Бельгия россиялик қочоқлар учун энг қулай масканга айланмоқда: уларнинг ҳар тўрттадан биттаси Бельгияда қолишни исташади.

Расмий Бельгия ҳукуматининг маълум қилишича, қабул қилинган ушбу қарор вақтинчалик ва фавқулодда бўлиб, ушбу ҳолатга Россия ҳукумати эътиборини жиддийроқ тортиш эди.

ЯНГИ ҚУВВАТ ДОРИ

Германиянинг «Байер» концерни жинсий камқувватликка қарши курашда оммавийлашиб кетган «Виагра» билан рақобатлашадиган дори яратилганини эълон қилди. «Варденафил» номини олган бу дори ҳар ўнта эркакдан саккизтасига қувват тикланишида ёрдам бера олади. Янги дорининг «Виагра»дан афзаллиги шундаки, у ҳеч қандай акстаъсир кўрсатмайди.

АҚЛИЛИКДА ГАП КЎП

Буюк Британия олимлари шовшувли хабар тарқатди. Уларнинг таъкидлашича, ақлли одамлар узоқ умр кўрар экан. Олимлар 1932 йилдан буён шотландиялик уч минг кишининг ҳаёт йўлини одамнинг ақл имкониятларини белгиловчи тест ёрдамида кузатиб келди. Маълум бўлишича, болалигида ақлий имкониятлари катта бўлган одамлар тенгдошларига қараганда узоқ умр кўрган экан.

Ақлли одамларнинг узоқ умр кўришига яна бир сабаб, улар соғлом ҳаёт кечиришга ҳаракат қилади. Тўғри овқатланади, доим ҳаракатда бўлади ва спиртли ичимликларни кам истеъмол қилади.

ТАЛАБ ОРТИШ ЎРНИГА...

Экологик тоза энергия манбаи ҳисобланмиш электр токи ва сиқилган газ билан ишловчи автомобилларга билдирилган умидлар оқланмаяпти. Мутахассислар улар тезда оммавийлашиб кетишини башорат қилганди. Бироқ Буюк Британияда бунинг акси кузатиляпти. Бундай автомобилларга талаб тобора камайиб бормоқда.



АВСТРАЛИЯ МАНЗАРАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ҚИЗИ ПОЛИЦИЯ МАҲКАМАСИДА

Техас университети биринчи босқич талабаси, ўн тўққиз ёшли Женна Буш полиция маҳкамасига келишга мажбур бўлди. Ҳа, бу талаба АҚШ Президенти Жорж Бушнинг қизи бўлади. Женна дугонаси билан Остинедаги ёшлар ўртасида машҳур бўлган «Чирз Шат» барида пиво ичиб, бир оз «шўхлик» қилган эди. Бошқа штат ёки бошқа мамлакатда ушбу ҳолат учун полиция аралашмасди. Аммо, Техас ички қонунларига асосан 21 ёшга тўлмаган фуқароларнинг спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиши 200 АҚШ доллар миқдорида жарима ёки жамоат ишларига тортилиш билан жазоланади.

ТАРБИЯ БИРИНЧИ МАСАЛА

Аслида тарбия қаттиққўлликни талаб этади. Акс ҳолда болаларнинг талтайиб кетиши турган гап. Ота-онасининг молу давлатига ишониб нималар қилмайди дейсиз, бу болалар. Мана, биргина мисол. Ироқ Президенти Саддам Ҳусайннинг ўғли Удэй ҳатто қизларга тегажоглик қила бошлади. Бу эса оила шаънини обрўсизлантириш билан баробар. Яхшиям буни отаси билиб қолибди ва хорижлик аёлларга бемаъни таклифлар қилгани учун Саддам Ҳусайн ўз ўғлини жазолади, яъни қалтаклаттирди.

ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ

XX АСР ДОНИШМАНДЛАРИ

ФРАНКЛ ВИКТОР ҲИКМАТЛАРИ

Австриялик файласуф, психолог, Вена Учинчи психотерапия мактабининг асосчиси (биринчиси— Зигмунд Фрейднинг психологик таҳлил мактаби, иккинчиси— Альфред Адлернинг индивидуал психология мактаби).

Франкл Виктор 1905 йилда туғилган. «Ғайришуур маъбуда» (1948), «Шифокор ва қалб» (1955), «Маъно ахтаргувчи одамзот» (1962), «Мазмун озодлиги» (1969) сингари бир қанча асарлар муаллифи. 1930 йилда тиббиёт фанлари доктори унвонига эга бўлган ва Вена университетида дарс берган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эса Сан-Диего университетида талабаларга сабоқ улашган. 1949 йилда фалсафа фанлари бўйича докторликни ёқлаган.

Дарвоқе, иккинчи жаҳон уруши пайтида сиёсий маҳбуслар лагерида қамоқда бўлган. Шу даврда унинг фалсафий дунёқараши ўзига хос тарзда шаклланди. Франкл фалсафасининг асосини ҳаётдан маъно ахтариш, мазмунли ҳаёт учун тинимсиз ҳаракат ташкил этади.

Азоб-уқубат ва ўлимларсиз кишилик ҳаёти маънисиздир.

Одам бўлиш ҳаётни тушуниш ва унинг масъулиятини ҳис қилишдир.

Икки карра икки тўрт, гарчи бу мулоҳазани тентак айтган бўлса-да. Ундан ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Умуман ҳаётда мазмун бўлса агар, демак, азоб-уқубатда ҳам ҳаёт мазмуни ётади.

Маҳлуқларни ҳаётдан лаззатланиш, унинг мазмунини ҳис қилиш ҳеч қачон ташвишлантирмайди.

Бу дунёда яшаётган одамларга ҳаётнинг ўзи саволларни кўндаланг қўяди ва одамзот ўз ҳаёти орқали шу саволларга жавоб топади.

Умуман ҳаёт мазмунини аниқлаш қийин, у ҳар бир одамда ва ҳар лаҳзада маъно-моҳиятига кўра фарқланиб туради.

Ҳеч бир вазият айнан қайта такрорланмайди ва ҳар бир вазият ўзига хос қарорларни талаб этади.

Масъулият ва озодлик киши маънавиятининг «атмосфера»сини белгилайди.

Ўлимга маҳкум этилганлар охирги дақиқалардаям барибир авф этилишига умид боғлайди.

Банди хилватга ва ёлғизликка ошиқади.

Азоб-уқубатнинг моҳияти йўқолади, агар ундан қутулишнинг иложи мутлақо топилмаса.

Мақсад ҳаётийлик касб этади, қачонки у мазмун-моҳиятга эга бўлса.

Ғайритабиий вазиятга ғайритабиий таъсир табиий ҳол ҳисобланади.

Одамзот мукаммал хавфсизликка на ҳаётда, на тафаккурда ва на қабул қилган қарорларида эриша олади.

Одамзот икки қирғоқ — йўқотишлар ва дилгирлик қирғоқлари аро сузиб юраверади, ундан чиқиб кетолмайди.

■ **Аз. НАҲГРУДИЙ ва Алимқул СУЛТОН таржимаси**

УЙҒОҚ ИЗТИРОБ

(КАТРАЛАР)

Кўп ухладик, узоқ ухладик. Тўлғониб-тўлғониб, уйғониб қарасак...

Онамизнинг алла айтиб ухлатгани бошқадир. Бизни бегоналар ухлатди. Таҳдид билан, заҳаролуд ҳаво билан. Алла ўрнида маърузалар янгради. Орзу-умидларимизни жимир-жимир сароблар билан боғлаб, забун ҳолимизни унутиб ухладик.

Ухламаганлар қатағон қилинди. Қўрқинчли тушдай ваҳимали, таҳликали кечди уйқудаги умрлар.

Ётлар бизни ухлатганда онамиздек «Ширин тушлар кўриб ётгин» демади. «Хайрли тун, яхши дам ол» демади. Тонгда сут қайнатиб, иссиқ нонлар ёпиб келганда ҳам уйғонмаганимиздан хавотирда пешонамизни ушлаб кўриб, «Тур, асалим, тур, мунчаям кўп ухладинг-а» демади.

Истамас эди, уйғонишимизни, у ётлар.

Энди эса, уйғонганлар алам ичра. Эрк наъраси, ҳурлик қўнғироғи жаранглаб турса ҳам уйғонмаётганлар ҳамон бор.

Баъзилар эса бошқача бўлиб уйғонади. Тушларининг таъсирида жин чалгандек бўлиб қолган.

Байрамлари, тўйлари бошланиб кетган элнинг уйғоқлари изтиробда: уйқудан бошқачароқ бўлиб турганлар учун, ҳануз уйғонолмаётганлар учун, тушумми, ўнгимми, дея фаолиятсиз, анграйиб туриб қолаётганлар учун изтироб чекмоқда.

Уйғонганлар зиммасида яна юк — уйғонмаётганлар аҳволидан огоҳлик юки. Уйғониш, огоҳлик. Изтиробнинг бўёғи бор бу сўзларда. Уйғоқ изтиробнинг бўёғи. Зотан, инсоний яшаш учун зарур бўлган Ватан, Озодлик аталган неъматлар ҳам уйғоқ изтироб туфайли!

■ **Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Наманган**

СЕВГИНИНГ РАНГИ БОРМИКИН?

Дунё кўзимизга дам рангли, дам оқ-қора кўринади. Кайфият — ранглар тарозибони. Қора лолалар очилишига ишонасизми? Қорнинг гуллашига-чи. Булар мўъжиза-ку деяётгандирсиз. Мўъжизани ҳам мана шу кўзлар кўра олиши, илғай билиши мумкин.

Ранглар ҳам нисбий тушунча, назаримда. Тўғри, ранг-тусларни фарқлай олмайдиганлар ҳам бор. Мен уларнинг дунёни фақат оқ ва қора рангларда кўришига ишонмайман. Улар ҳам қандайдир биз билмаган, биз сезмаган бошқа рангларни кўра олиши керак.

Кўчада ётган япроқни кузатиш ҳар кимнинг ҳам хаёлига келавермайди. Лекин баъзилар уларнинг ҳар фаслдаги ўзгаришларини, ўзларидан тараётган тароватларини ҳайрат билан кузатишади.

Тунов кун кайфиятим жуда ёмон эди. Осмондан ёғаётган ёмғир мен учун қайғураётгандек, атрофим чексиз бир зулумот, қоронғулик.

Қора кўйлак кийиб олган дарахтларнинг, Кўзларидан оқаётган ёши алвон.

Деразадан ўйчан боқаман. Ним пушти гулган дарахтлар ибо билан шамолда хилпираб турибди. Кўм-кўк денгиздек осмон чексизликлар сари мавжланаётгандай. Ўз-ўзидан лабларимда табассум балқиб, юзларимни олов куйдира бошлагандек туюлди. Дунё кўзимга шаффоф рангда кўриниб кетди.

Қишда дарахтлар тундлашиб қолади. Гўёки ўз-ўзидан уялаётгандек.

Баҳорда эса ҳамма ўзини кўз-кўз қилгиси, кимгадир ёқгиси, кимнидир севгиси келиб қолади. Айтганча, севги қайси рангдайкин? Ҳижрончи?

Нимага кайфияти ёмон одамнинг кўзига дунё қора ранг кийиб кўринади? Баъзан қора мушуклару қора қарғаларнинг бошини силагим келади. Нега қора ранг — ёвузлик тимсоли ҳисобланади? Лекин шу рангдаги кийимлар кишини нақадар улуғвор кўрсатади.

Хаёлнинг минг хил кўчаларига кириб чиқади бу кўзлар, қалб кўзлари. Дарвоқе, улар қайси рангда экан?

■ **ШАҲРИБОНУ**

СПОРТ

УМИДВОРМИЗ

Жаҳон футбол чемпионатининг Осиё қитъаси бўйича саралаш учрашувлари давом этмоқда. 7-гуруҳга кирувчи жамоалар эса дастлабки босқич ўйинларини якунлашди. Тошкент ва Иорданияда ўтказилган жами 12 учрашувда Ўзбекистон терма жамоаси мухлислар кутгандек натижага эришиб, чемпионатнинг финал қисмига йўлланма берувчи ҳал қилувчи босқичга чиқишди. Ишқибозлар Тошкентда ўтказилган учрашувларда футболчиларимизнинг икки ғалаба, бир дурангга эришганини яхши билишади. Бош жамоамизнинг Иордания сафари ҳам муваффақиятли ўтди. Хусусан, Туркманистон (5:2), Хитой Тайпейи (4:0) жамоаларидан устун келиб, Иордания футболчилари билан учрашув (1:1) дуранг қилинди. Шундан кейин футболчиларимиз мавқеи қуйидагича бўлди.

	Ю	Д	М	Т-Н	О
Ўзбекистон	4	2	0	20-5	14
Туркманистон	4	0	2	12-7	10
Иордания	2	2	2	12-7	8
Хитой Тайпейи	0	0	6	0-25	0

Тўпларни Ирисметов 7 та, Қосимов 4 та, Маминов 3 та, Георгиев 2 та, Ширшов, Дионисев, Бақоев, Акопянцлар биттадан дарвозага йўллашди. Шундай қилиб футболчиларимиз Эрон, Баҳрайн, Катар, Саудия Арабистони, Ироқ жамоаларидан кейин олтинчи бўлиб иккинчи босқичга чиқдилар. Энди Сурия — Уммон, Таиланд — Ливан, БАА — Яман, Хитой — Индонезия жамоалари ўртасида дастлабки босқич ғолиблари аниқланганидан кейин 1 июнь куни Бангкоқда 10 та жамоа ўртасида қуръа ташланади. Сўнг бештадан иккита гуруҳга бўлинган жамоалар сафарда — уйда тартибида жаҳон чемпионати финалига бериладиган йўлланма учун курашадилар. Биз эса футболчиларимизга омад тилаймиз.

■ **Муҳтабар ҚУРБОНОВА**

Куйичирчиқ туманидаги 48-умумтаълим мактаби намунали билим масканларидан ҳисобланади. Бу ерда 710 ўқувчига ўзбек ва рус тилларида таълим берилмоқда. Мактабда замонавий фан кабинетлари, компьютер хоналари, музей мавжуд бўлиб, улар ўқувчиларнинг пухта билим олишларига хизмат қилади. Яқинда ярим гектар майдонда боғ ташкил қилиниб, 100 туп мевали кўчатлар экилди.

— Ўқувчилар ёрдамида ўзимиз маблағ топишга алоҳида эътиборни қаратяпмиз, — дейди мактаб директори Кудратилла Раимкулов. — Металлом йиғиш ва ўқувчиларнинг бўш вақтларида фермер хўжаликларида меҳнат қилишлари ҳисобига банк ҳисоб рақамимизга маблағ келиб тушмоқда. Келгусида бу ишга эътибор янада кучайтирилади.

Суратларда: *1. Опа-сингил ўқитувчилар Тамара ва Холниса Абдуллаевалар бошланғич синф ўқувчиларига дарс беришади. 2. Компьютер хонасида.*

■ **Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

ЯПОНЧАНИ ТЕЗ ЎРГАНСА БЎЛАДИ

Нафақат Осиё қитъаси, балки жаҳонда ривожланган давлатлардан бири саналмиш Япония тадбиркорлари билан иқтисодий алоқалар кейинги вақтларда яхши йўлга қўйилмоқда. Кўпгина мутахассислар Кунчиқар давлатида малака ошириб қайтмоқдалар ва айни кунда ўша диёрга боришни аксарият ишбилармонлар орзу қилишади. Аммо, муайян даражада бу тил эгалланмас экан, кўзда тутилган ишлар кўнгилдагидек кечмаслиги аниқ. Тил билмаслик гоҳо панд бериб қўйиши ҳам мумкин. Яқинда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган «Ўзбекча-японча сўзлашгич» бу борада асқотади.

Сўзлашгични Ая Сузуки тузган. Олима Муқаддас Аҳмедова масъул муҳаррирлигида чиққан бу китоб матнлар пухталиги билан эътиборга лойиқ. Сўзлашгич учун энг зарур жумлалар, иборалар танлаб олинган.

Мазкур китоб тўрт қисмга бўлинади. Биринчи қисм «Кишилар билан мулоқот қилишда ишлатиладиган гаплар», иккинчиси «Ўз фикрларини ёки ҳис-туйғуларини билдириш», учинчиси «Вақтнинг ҳамда белгининг ифодаланиши» ва ниҳоят охирги қисм «Ҳаётда энг зарур бўлган вазиятларда айтиладиган ифодалар» деб номланган.

Японча сўзлашишни истаганлар қўш саҳифани очсалар кифоя: биринчи устунда ўзбек тилидаги жумла, иккинчи устунда ўша жумланинг япон имлосида ўқилиши, учинчи устунда ўша жумланинг япон тилидаги таржимаси ҳамда тўртинчи устунда японча таржиманинг лотин алифбосида ўқилиши берилган. Масалан, ўқувчи японча саломлашишни («конишива», «ваа доомо») тезгина ёдлаб олади. Шунингдек, «Сиз билан танишсам майлими?», «Қаердан келдингиз», «Исмингизни билсам майлими?» каби ўта муҳим сўзлар таржимаси ҳам осонгина хотирага муҳрланади.

Мазкур сўзлашгич япончани муайян даражада ўзлаштиришга кўмаклашади. Энг муҳим жиҳати, унда японларнинг урф-одатлари ҳақидаги фикрлар ҳам ўз ифодасини топган.

■ **Б. РЎЗИМУҲАММАД**

КОИНОТ ВА ИНСОН

«ЕР — МАРС — ЕР» ЛОЙИҲАСИ ЁКИ МАРСГА ИНСОН ҚАДАМИ ЕТИШИГА ОЗ ФУРСАТ ҚОЛДИ

Америкалик сайёҳнинг коинотга қилган сайри, майли 20 миллион доллар эвазига бўлса ҳам, коинотнинг инсоният олдидаги имкониятларини янада юксалтирди. Ҳозирданоқ маълумки, Дэнис Тито ортидан яна бир осиёлик бизнесмен 20 миллионга шартнома тузиш тадоригини кўрмоқда. Ҳадемай коинотга учиш ҳайратланарли воқеа бўлмай қолиши аниқ. Аммо Марс лойиҳаларини бошқарувчи халқаро қўмита томонидан уч йилдирки, синчковлик билан тайёрланаётган бир лойиҳа ҳақиқатда ҳайратланарли. Бу инсониятнинг Марсга учишигина эмас, балки Марс «тупроғи»да яшаши ҳамдир. Тасаввур қилинг, ҳадсиз-чегарасиз коинотда ва биздан космик тезликда ҳисоблаганда бир неча йиллик узоқликда жойлашган сайёрага инсон қадами етади.

Аввало, Марс лойиҳаси, яъни учиш қандай ва қачон амалга оширилиши ҳақида батафсилроқ тўхталсак. Халқаро космик қўмита тайёрлаётган бу лойиҳани иқтисодий томондан АҚШ ва Европа Иттифоқи қўллайди. Агар ривожланган давлатлар Марсга экспедиция уюштириш борасида бир битимга келишса, бу воқеа 2014-2016 йилларда содир бўлиши мумкин. Лойиҳага кўра, Марсга иккита — юк кемаси ва учувчилар кемаси юборилади. Уларнинг ҳар бири Ер орбитасидаги сунъий йўлдошда алоҳида-алоҳида моделлардан йиғилади. Юк ортувчи кема оғирлиги 143 тонна, учувчи кема оғирлиги 585 тоннага тенг. Кема учирилишида Россияда тайёрланган «Энергия-М» ёки энди яратилаётган «Ангара» ракеталаридан фойдаланилади. Беш модулли юк кемасини йиғиш 3-4 ойга яқин вақт олади. Бу юк кемасининг Марсга олиб чиқадиган энг нодир юки Қизил сайёрага қўниши лозим бўлган иккита улкан аппаратдир. Уларнинг ҳар бирининг узунлиги 22 метр. Юк кемасининг қанақа ёнилғи билан учиши ҳақида ҳозирча аниқ бир қарорга келингани йўқ. Аммо унга ядроракетали двигатель ёки қуёш энергияси билан ишлайдиган ионли двигателлар ўрнатилиши ҳақида фаразлар қилинмоқда. Кема сиртига двигателларни қуёш энергияси билан таъминловчи 60 минг квадрат метрли қуёш батареяси панеллари ўрнатилади. Ҳақиқатда, деярли ярим километр масофага чўзиладиган кема ҳажми ваҳимали туюлади. Юк кемаси траектория бўйича Марс атрофига қадар бир йилдан кўпроқ, тўғрироғи, 474 кун учади. У асосий учувчи кемадан 9 ой олдин йўлга тушса-да, аммо улар манзилга бир вақтнинг ўзида етиб келишлари режалаштирилган.

Хўш, Марсга экипаж учиши керак бўлган кема ҳақида нима дейиш мумкин? Асосий учувчи кема улкан космик

уйни эслатади. У орбитада 23 моделдан ташкил топган ҳолда йиғилади. Бу моделларни тўплаш учун 10 ой вақт сарфланади. Марс экипажи 6 кишидан — экспедиция сардори, учувчи, борт муҳандиси, шифокор, мутахассислиги биолог ва геолог бўлган икки олимдан иборат бўлади. Экспедиция аъзоларининг ёши 40 дан 50 гача бўлиши қатъий қилиб белгиланган. Негаки, бу ёшдагиларнинг ҳар томонлама босиқ, тажрибали ва совуққонликлари, ортиқча қалтисликлардан сақланишлари инобатга олинган. Бунгача ташқари, тиббий нуқтаи назардан ҳам бу ёшдагилар 20-30 ёшдагига қараганда радиация таъсирига бардошли бўларкан. Дарҳақиқат, экипаж аъзолари траекториядан юқорида бўлган жуда кучли радиация белбоғларини кесиб ўтишлари керак. Бу белбоғларда космик нурланиш бир неча баробар ортади. Албатта, кемада нурланишдан ҳимоя қилувчи «ётоқхона» қисмида жойлашган махсус жой мавжуд. Шунга қарамасдан учувчиларнинг маълум бир миқдорда нурланишлари аниқ. 40-50 ёшдаги одам организмида нурланишга бўлган қаршилик кучли бўларкан. Мутахассислар Марсдан қайтган экипаж аъзоларининг Ерда ҳеч бўлмаганда 70 ёшгача яшашларига кафолат беришмоқчи. Шу сабабли, яъни кеманинг радиактив белбоғларни тезликда кесиб ўтиши учун Ер орбитасидан учирилишида унга махсус двигатель ўрнатиладиган бўлди. Шунда у Қизил сайёрагача бўлган масофани юк кемаси каби 15 ойда эмас, ярим йилда босиб ўтиши керак.

Энг масъулиятли давр Марс орбитасига киргач бошланади. Учувчи кема сайёра устида 1000-2000 км. баландликда учса, юк кемаси янада пастроқ — 400 километр атрофида ҳаракатланади. Шундан сўнг экипаж иккига бўлинади. Сардор, шифокор, борт муҳандиси бош кемада қолишса, олимлар ва фазогир космик «такси» орқали юк кемасига йўл олишади. Юк кемаси экспедиция учун қўналга бекати вазифасини ўтайди. Олдинига ундан 22 метрли тушувчи аппарат Марс сатҳига юборилади. Кейин Марс лойиҳасининг энг кульминацион фурсати келади — иккинчи аппаратда фазогир ва олимлар Қизил сайёра сатҳига қўнишади!

Фазогир, геология ва биология соҳасидаги мутахассислар ҳали инсон оёғи етмаган коинотда, Марс «тупроғида» бир ойдан кўпроқ туришади. Улар «Марсоход» ёрдамида сайёрани айланиб, тирик организмлар, сув қидиришади, умуман сайёра жисмининг нималардан ташкил топганини ўрганишади. Уларга тириклик қиёфасининг мутлақо янгича кўриниши пешвоз чиқса ҳам ажаб эмас.

Хавфсизлик чора-тадбирларига кўра, улар Ер билан доимий алоқада бўлиб туришса-да, фавқулодда ҳолатларда мустақил қарор чиқаришлари белгиланган. Чунки, радиосигналлар Ерга жуда узоқ вақтда етиб келади. 34 кундан сўнг жасоратли бу экипаж туширилган аппаратларнинг бирида учувчи кемага қайтади. Иккинчи аппарат эса кейинги экспедицияга қадар Марс сатҳида қолдирилади.

Ерга қайтиш учун Марсга учишдагига нисбатан кўпроқ вақт кетади. Экипаж ярим йил ўрнига бир йил дегандагина Ер орбитасига кириши мумкин. «Ер — Марс — Ер» номини олган бу лойиҳа умумий ҳисобда коинотда 615 кун бўлиши керак. Халқаро космик қўмитанинг бу лойиҳаси ниҳоятда мукаммал ишланган бўлиб, мутахассислар фавқулодда қалтислик даражасини 1 фоиз, ҳалокат даражасини эса 0,1 фоизга баҳолашаяпти.

Хулласи, Марсга томон йўл очиқ!

■ **Хорижий манбалар асосида Абдумалик БОБОЕВ тайёрлади**

Жамоа, ширкат хўжаликлари билан амалий ҳамкорликни таклиф этамиз. Маҳсулотларингизни сотишда кўмаклашамиз. Алматига етказиб бериш.
Код — 3272 пейжер: 531111, 533111, 971111
абонент: 42012

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Исанабай Айтмуратов номига 1993 йил 20 январда № 03-01/1040 рақам билан Миробод туман Космонавтлар кўчаси, 6-уй, 91,92-хонадонларга берилган давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-47-80, 133-38-55
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2002

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA